
56-ДМТТ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ

Бағдод туманининг олис ҳудуди, “Саидобод” маҳалла фуқаролар йиғинига қаршли “Меҳнатобод” қишлоғидаги 56- боғча замонавий қулайликлар ва янги жиҳозлар билан янгича қиёфа касп этди.

Қишлоқда вояга етаётган болажонлар, уларнинг ота-оналари давлатимиз раҳбарининг ислохотлари сабаб чекка ҳудудларда ҳам замон талаблари асосида барпо этилиаётган бундай масканларнинг бино бўлаётганидан шод.

- Биз бу қишлоқни 1940-, 1950- йиллардан буёғини биламиз. Болаларимизга бундай масканлар бўлмаган. Қарийб 70 йилда боғча барпо бўлди. Сабабчиларни кўпдан-кўп дуо қилаябмиз – дейди шу маҳалланинг нуронийси Ғофуржон ота.

Туман ҳокимлигидан, Мактабгача ва мактаб таълими туман бўлимидан мутасаддилар ташриф буюриб ҳудуд аҳолиси, мазкур боғча ходимлари билан суҳбатлашишди.

Меҳнатободлик болажонларнинг ҳар томонлама соғлом, баркамол, ақлий ва маънавий шаклланишида бундай шароитлардан жонкуяр, талабчан ва фидойи тарбиячиларнинг ҳам хурсандчилиги чексиз.

2024-11-13 17:56:22